ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИКҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМИ ШЕШИМИ

Бўстон шаҳри — Бостон қаласы

№ 123/2 — 2018 йил «16» февраль

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги "Давтехназорат" инспекциясининг 2018 йил 4-январ 1-сонли буйруғига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013 йил 25-апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида» Низоми талабларидан келиб чиқиб, туманда 2016 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман худудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссиясига:

а) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича иш-режаси юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

б) техник талабга жавоб бермайдиган техник носоз техникаларни ишлатишни қатъиян ман қилиш;

в) техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-

машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлиги, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигига ва бошқа техник талабларга жавоб беришига эътибор қаратиш;

г) техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, тижорат банклари раҳбарлари ва маҳалла раисларига;

а) ҳисобида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўз муддатида ўтказиш учун тайёрлаб, белгиланган майдончаларга йиғиш;

б) техник кўрикдан ўтказилган ҳар бир техника учун ундириладиган йиғимни ўз вақтида тўлашни таъминлаш;

в) ҳар бир маҳалла ўз ҳудудидаги шахсий техникаларни техник кўрикдан ўтишини ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Матчановга;

тумандаги корхона, ташкилот, машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти, муқобил машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари ва фуқароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашга амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ў.Розумов зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор “Давр кўзгуси ” газетасида расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

ТУМАН ҲОКИМИ: **С.АВЕЗОВ**

Келишилди:

Ў.Розумов

Тайёрловчи: А.Джумагельдиев *тел: 585-21-98*

Элликқалъа туман ҳокимининг
2018 йил «16» февраль
кунги 123/2-сонли қарорига
1-илова

Туман худудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби

Қ.Машарипов	-	туман қишлок хўжалиги техникалари давлат инспектори, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

А.Сейтимбетов	-	туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг Агротехнология масалалари бўйича ўринбосари
Д.Матсапаев	-	туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси
Т.Тангирбергенов	-	туман ҳокимлиги бош мутахассиси
А.Мўминов	-	туман Агротехсервис МТП МЧЖ бошлиғи

Туман ҳокимининг 2018 йил
16 февраль кунги 123/2
сонли қарорига 2 илова

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси

Т/р.	Техниканинг номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1.	Қишлоқ хўжалиги техникалари	Тракторлар	10 кун давомида	Қишлоқ хўжалиги техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	01.02.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача
		Трактор тиркамалари	8 кун давомида		11.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		шоли ўриш комбайнлари	10 кун давомида		01.02.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача
		маккажўхори ўриш комбайнлари	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача
		пахта териш комбайнлари	2 кун давомида		25.02.2018 й. дан 27.02.2018 й. гача
		ем-хашак ўриш комбайнлари	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		силос ўриш комбайнлари	8 кун давомида		11.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		плуг	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
		чизель	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		культиватор	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
		текислагичлар	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан

					07.03.2018 й. гача
		борона	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		мола	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		сеялкалар	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача
		пуркагичлар	8 кун давомида		11.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		илдиз суғурадиган машиналар	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		йиғгич-пресслагичлар	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача
		скреперлар ва бошқалар	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
2.	Мелиоратив техникалар	Экскаваторлар	10 кун давомида	Мелиоратив техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	0102.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача
		Бульдозерлар	10 кун давомида		0102.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача
		Скрепер	10 кун давомида		01.02.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача
3.	Асбоб-ускуналар	Ўлчов асбоблари	4 кун давомида	Асбоб-ускуналар жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
		металлга ишлов берувчи станоклар	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
		пайвандлаш қурилмалари	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача
		темирчилик пресслаш асбоб-ускуналари	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача

		электр асбоблар	4 кун давомида		04.03.2018 й. дан 07.03.2018 й. гача
		гидротизимлар,	6 кун давомида		19.02.2018 й. дан 24.02.2018 й. гача
		ёқилғи насослари	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		форсункалар,	8 кун давомида		11.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		Двигателлар	8 кун давомида		11.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар.	10 кун давомида		0102.2018 й. дан 10.02.2018 й. гача

Изоҳ: *Хусусий техникалар олиб келинишига қараб 2018 йил 7 феврал санасидан 2018 йил 17 шол санасига қадар ОФЙ, МФЙ ҳудудидаги ММТП гаражларида ҳар куни ўтказилади*